O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 19 август, № 161 (4060) Шанба

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 август куни Оқсаройда Марокаш Подшоҳлиги қишлоқ хўжалиги, тараққиёт ва денгиз балиқчилиги вазири Муҳаммад Лансерни қабул қилди.

— Мамлакатларимиз жуғрофий жиҳатдан бир-биридан узоқ бўлса-да, муштарак жиҳатларимиз кўп, — деди Ислом Каримов. — Маданиятларимизнинг яқинлиги, бир динда эканлигимиз шулар жумласидандир.

Марокаш Подшоҳлиги билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро дипломатия муносабатлари 1993 йилнинг октябрида ўрнатилган. Айни пайтда мамлакатларимиз БМТ, Ислом конференцияси ташкилоти каби қатор халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилиб, бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон Марокашнинг Марказий Осиё мамлакатлари, Марокаш эса Ўзбекистоннинг араб дунёси, Африка ва Ўртаер денгизи давлатлари билан алоқаларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Қишлоқ хўжалигига ўзаро алоқаларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қараш мумкин. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси соҳаларидаги ҳамкорлик икки томон учун ҳам манфаатли.

Мамлакатларимизнинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳияти катта. Шу боис бу йўналишда яқиндан ҳамкорлик қилиш, жумладан, сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш ва сайёҳларнинг борди-келдисини кенг йўлга қўйиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам, Марокашда ҳам маданий мерос ва тарихий обидаларни сақлаш ҳамда таъмирлаш борасида тажриба алмашиш, кўргазмалар ташкил этиш орқали ижтимоий-маданий ва илмий ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Муҳаммад Лансер самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Марокаш Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади. Меҳмон Ислом Каримовга Марокаш Подшоҳи Муҳаммад Олтинчининг мактубини топширди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Кеча қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида иккита мажлис бўлиб ўтди. Дастлабки мажлис Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги масалага бағишланди.

БЮДЖЕТ ОРТИҒИ БИЛАН БАЖАРИЛДИ

Жорий йилнинг биринчи ярмида таркибий ислоҳотлар кўламини кенгайтириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва эркинлаштириш, мулкчиликнинг хусусий секторини мустаҳкамлаш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ҳамда фуқароларни иш билан таъминлаш борасида қабул қилинган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишга кўмаклашди. Ўтган ярим йилликда Давлат бюджетининг даромадлари 2043,5 миллиард, харажатлар эса 1954,7 миллиард сўмни ташкил этиб, бюджет 88,8 миллиард сўм профицит билан ижро этилди. Барча солиқ ва тўлов турлари бўйича белгиланган даромадлар режаси бажарилди. Ҳукуматимиз томонидан макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш соҳасида қатъий пул-кредит сиёсати ўтказиш, миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий дастурларни устувор тарзда молиялаштириш ва бюджет маблағларини тежаш чоралари кўрилди.

Ўтган ярим йилда асосий эътибор аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш, бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтириш, уларнинг самарадорлигини ошириш, инвестиция дастури харажатларини бюджетдан молиялаштиришни оптималлаштириш, иш ҳақи, стипендия ва фуқароларга бошқа тўловлар бўйича харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштириш, солиқ юкини камайтириш асосида тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, янги иш ўринларини яратишга қаратилди.

Соғлиқни сақлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимларини ислоҳ қилиш дастурларида кўзда тутилган тадбирларни молиялаштириш режали амалга оширилди. Мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган давлат дастури доирасида умумтаълим муассасаларини қуриш ва тиклаш ишларига режалаштирилган маблағлар ажратилди. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури доирасидаги соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тадбирлари давом эттирилиб, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш анча кенгайди.

Шу куни қўмитада бўлиб ўтган иккинчи мажлисда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг Бухоро вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди.

Унда мазкур вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида муайян натижаларга эришилгани қайд этилди. Жумладан, ўтган йилнинг якунларига кўра, вилоятда 22712 та кичик тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатига олинган, яъни 2004 йилдагига нисбатан 2031 тага, яъни 4,7 фоизга ортган. Кичик ва хусусий бизнес субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши ўтган йил якуни бўйича 44,4 фоизни ташкил этди.

Шу билан бирга, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қонунда яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Тадбиркорлар субъектларига бозор инфратузилмаси ташкилотлари томонидан тегишли хизматлар кўрсатиш, моддий-техника билан таъминлаш, улар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотларни сотишда кўмаклашиш бўйича етарли тадбирлар амалга оширилмаган.

Мажлисларда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

МАРОКАШ ДЕЛЕҒАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Марокаш Подшоҳлиги қишлоқ хўжалиги, тараққиёт ва денгиз балиқчилиги вазири Муҳаммад Лансер бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С.Исмоилов билан учрашди.

Африка қитъасининг шимоли-ғарбида жойлашган Марокаш иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин тутади. Аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Шу боис икки мамлакат ўртасида қишлоқ хўжалиги борасидаги алоқаларни кенг йўлга қўйишга оид масалалар мулоқотнинг бош мавзуси бўлди.

Ўзбекистоннинг бу борадаги имкониятларини ўрганиш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик машиналарини сотиб олиш, мутахассислар алмашувини йўлга қўйишга доир масалалар хусусида фикр алмашилди.

(ЎзА).

Эътироф

Ироқнинг «Халқ» ва «Ироқ овози» газеталари Аҳмад ал-Зубайдийнинг мамлакатимиз ҳақидаги мақоласини чоп этди. Қуйида ушбу мақола эътиборингизга ҳавола этилаяпти.

Ўзбекистон:

МУСТАҚИЛЛИКДА 15 ЙИЛ

Ўзбекистон Совет Иттифоқи тарқалиб кетгандан сўнг мустақил бўлди. У ўз суверенитетига 1991 йилнинг 1 сентябрь куни эришди. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг аҳоли зич яшайдиган мамлакатлардан бири. Бу ерда 26 миллион киши истиқомат қилади. Мамлакат муҳим стратегик ҳудудда жойлашган. Табиий ресурсларга бой бу ўлка Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон билан чегарадош. У ана шу мамлакатлар билан боғланиб кетган, ўзига хос тарихга эга.

Турли таҳлика ва чақириқлар, жумладан, террор шаклидаги хуружларнинг янги ўчоқлари пайдо бўлган бугунги даврда айрим давлатлар ўз манфаатлари ва стратегик мақсадларига эришиш учун ушбу вазиятдан фойдаланиб қолишга уринмоқда.

Терроризмни «ё менга қўшил, ёки ўзинг ёлғиз қолавер» тамойили асосида тушунадиган давлатлар ҳам бор. Улар терроризм ўз манфаатларига таҳдид солсагина бу иллат билан курашади ёки аксинча, мақсадларига эришиш учун терроризмни қўллаб-қувватлайди ёки фитна билан шуғулланади.

Ўзбекистон раҳбарияти ташқаридан маблағ билан таъминланадиган ва мамлакатдаги вазиятни издан чиқаришга қаратилган барча ҳаракатларнинг йўлини тўсишга интилмоқда. «Демократия» қуриш ниқоби остида ҳаракат қилаётган ташкилотлар фаолиятига ҳам чек қўймоқда. Шу билан бирга, раҳбарият халқнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, маъмурий соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишга қодир эканлигини ҳам намойиш этмоқда. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон нафақат халқаро саҳнада ўзининг ўрнини мустаҳкамлади, балки ШҲТга аъзо бўлиш ва ташкилотга аъзо мамлакатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш орқали етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

Ўзи танлаган дунёвий тараққиёт йўлига ишонган Ўзбекистон халқи ҳеч бир давлатга қарам бўлмай, ўз манфаатларини қатъий ҳимоя қилмоқда. Шу маънода Президент Ислом Каримов ўз асарларида қайд этган қатъий позицияни алоҳида таъкидлаш лозим. Булардан чиқадиган хулоса шуки, Ислом Каримов — Ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишга бутунлай ўзини бағишлаган йўлбошчидир. У нафақат терроризмга қарши курашади, балки жамоатчилик фикрига ҳам катта эътибор беради ва адолат тамойилларини ҳимоя қилади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон ва Малайзия давлатларини алоҳида муносабатлар бирлаштириб туради. Давлатларимизни ўзаро хайрихоҳлик ва ўзаро эҳтиром тамойиллари яқинлаштирса, маданий қадриятлар халқларимизнинг бир-бирига қизиқишини таъминламоқда.

ТАРАҚҚИЁТ САРИ ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ...

Ўзбекистон географик жиҳатдан Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган. Мазкур минтақада дунёнинг энг қадимги тамаддунларидан бири вужудга келган. Бу ҳудуд жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган машҳур олимлар ва мутафаккирлар ватанидир. Буюк Ипак йўли худди шу заминдан ўтган. Ўзбекистоннинг тарихи эса кўз илғамас олис асрларга бориб тақалади.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодиётнинг турли жабҳаларида ўзаро фойдали ҳамкорликларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Малайзияга ўтган йилнинг куз ойларидаги расмий давлат ташрифи ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг ривожига кучли шитоб бағишлади, ташриф давомида ҳар икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини равнақ топтиришга қаратилган бир қатор шартномалар имзоланди. Шак-шубҳасиз, халқларимиз ўртасида ўзаро қизиқиш, дўстлик ва ҳамкорликка интилиш тамойиллари аввалдан мавжуд эди. Ўзбекистон Мустақилликка эришгач, бундай муносабатлар янги сифат босқичларига кўтарилди.

Ҳозирги Ўзбекистон кўптомонлама халқаро иқтисодий алоқаларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, маданий ва сиёсий алоқалар тобора кучаймоқда, фан ва техника, таълим соҳаларидаги ўзаро ҳамкорликлар йил сайин кенгайиб боряпти. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг маҳобатли одимлари кўзга ташланиб турибди. Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) иқтисодиётнинг энг қизғин ривож топаётган ва катта ҳажмдаги маблағ сарфланаётган соҳаларидандир. Хорижлик эканлигим ва мазкур соҳадаги ўзгаришларни изчил кузатиб келаётган илмий мутахассис бўлганлигим сабабли, Ўзбекистонда бу йўналишда юз бераётган ўсишлар менга алоҳида сезиларлидир. Соҳани модернизациялаштириш ва бу борада функционал имкониятларни ҳамда истеъмолчиларга хизмат кўрсатишини кенгайтира оладиган тамомила янги телекоммуникация тизимларини яратиш улкан ҳажмдаги маблағни ва интеллектуал салоҳиятни тақозо этади. Зеро, мамлакат иқтисодиётининг равнақ топиши ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ), жумладан, телекоммуникация инфратузилмаларини модернизациялаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ҳар қандай кишини завқлантирадиган улкан миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, хорижий инвестициялар учун ҳар жиҳатдан қулайлик туғдирувчи бутун бошли қонунчилик — ҳуқуқий ҳужжатлари яратилди, бу эса, жумладан, мамлакатда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш мақсадида

(Давоми 2-бетда).

Умумхалқ ҳашари

Қутлуғ кунлар шукуҳи

Бугун мамлакатимизда ҳар ким катта тўй — Мустақиллик байрами тараддуди билан банд.

Байрамлар, шодиёналар, қутлуғ кунлар арафасида ҳашар ташкил этиб, кўчаю хиёбонларни, маҳаллалар, аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш, йўл ва йўлкаларни тартибга солиш одат тусини олган.

19-20 август кунлари мамлакатимизда умумхалқ ҳашари бўлиб ўтади.

(Давоми 2-бетда).

Адабий анжуманлар этмоқда давом

Элликқалъа учрашувлари

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги байрами олдидан ўтказилаётган адабий анжуманлар навбати залворли ва завқли Зомин, пурвиқор чўққилар этагидан Паркент ва қуёшли Қашқадарёдан кейин Ақчақўл соҳилига ҳам етиб келди. Бу ерда «Ҳуррият наволари» деб номланган адабиёт байрами бошланди. Дастлаб байрам қатнашчилари — мамлакатимиз пойтахти, вилоятлар ва туманлардан келган қаламкашлар, адабиёт ихлосмандлари Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номига қўйилган Бўстон академик лицейида бўлиб, таниқли шоирни ёдга олдилар. Айнан шу таълим масканида миллий кураш турнири бўлиб, уни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов очди. Байрамнинг тантанали очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Баҳодир Янгибоев сўзга чиқди. Биринчи кунда ўтказилган мушоира ва мулоқотларда Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Тўлепберган Қаипбергенов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, Ўзбекистон халқ шоирлари Александр Файнберг, Маҳмуд Тоир, ёзувчи, шоир ва публицистлардан Улматбет Хўжаназаров, Эркин Самандар, Ўткир Раҳмат, Шуҳрат Жабборов, Минҳожиддин Мирзо, Умида Абдуазимова ва бошқалар иштирок этдилар.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси олдидан

Юқори палатанинг еттинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлашига ҳам саноқли кунлар қолди. Ушбу сиёсий тадбирда мамлакатимиз тараққиётини янада жадаллаштириш, тадбиркорлик фаолияти ривожи учун муҳим бўлган қонунлар қабул қилиниши кўзда тутилмоқда. Жумладан, "Фирма номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шу мақсадларга йўналтирилган. Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр ИМИНОВ ушбу қонуннинг мазмуни ва аҳамияти тўғрисида қуйидагиларни сўзлаб берди:

ЎЗИГА ХОСЛИК ВА ИНДИВИДУАЛЛАШУВ

— "Фирма номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси Президентимизнинг шу йил 1 мартда имзолаган "Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган, — дея гап бошлади Бахтиёр Мирзажонович. — Ҳозирги пайтда фирма номларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳақидаги нормалар асосан Фуқаролик кодексида ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд. Чунончи, ушбу кодексда фирма номлари ҳуқуқий режимининг асосий масалаларини тартибга соладиган умумий қоидалар келтирилган. Аммо фирма номининг таърифи, тузилиши, унга бўлган ҳуқуқнинг мазмуни ҳамда фирма номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш билан боғлиқ бир қатор бошқа муҳим масалалар Фуқаролик кодексида ҳал қилинмаган. Амалиётда фирма номлари ва мутлақ ҳуқуқнинг бошқа объектлари, хусусан, товар белгилари, домен номлар, географик белгиларга бўлган ҳуқуқлар ўртасида тафовутлар мавжуд бўлиб, бу ҳол низолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан фирма номларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Мазкур қонун фирма номини бир юридик шахс бошқа юридик шахслардан ажралиб туриши учун хизмат қиладиган индивидуаллаштириш воситаси деб таърифлайди. Юридик шахс фуқаролик муомаласида ана шу ном билан иш олиб боради. Чунончи, қонуннинг 3-моддаси "фирма номи" тушунчасини изоҳлайди. Юридик шахсларга тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган кўринишига ҳам эга бўлиш ҳуқуқини беради, фирма номида юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилиши зарурлигини, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса унинг фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши зарурлигини белгилайди.

Қонуннинг 4-моддасида фирма номи ўз ичига олмаслиги керак бўлган белгилар рўйхати келтирилган. Бундай белгилар жумласига давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳукуматлараро ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг номлари, тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахснинг исми, шунингдек, жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ тамойилларига зид бўлган белгилар киради. Ўзининг фирма номини ишлаб чиқаётган юридик шахслар ўртасида низолар келиб чиқишига йўл қўймаслик ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ёлғон ёки истеъмолчини чалғитиши, шунингдек, бир хил ёки уларни адаштириб юбориши мумкин бўладиган даражада ўхшаш белгилардан фойдаланиш тақиқланади.

"Фирма номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш" деб номланган 5-моддада миллий юридик ва чет эл юридик шахсининг фирма номини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш тартиби белгиланади. Чунончи, миллий юридик шахс рўйхатдан ўтказилган вақтдан эътиборан, чет эл юридик шахси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга оширишни бошлаган санадан эътиборан ҳуқуқий муҳофаза қилинади. Шу билан бирга юридик шахс тугатилган ёки унинг фирма номи ўзгартирилган тақдирда фирма номини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўхтатилади.

"Фирма номига бўлган ҳуқуқ" номли 6-моддада фирма номи ҳуқуқий эгасининг ундан фойдаланиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Фирма номидан фойдаланиш ваколатини амалга ошириш доирасида ҳуқуқ эгасига ўзига қарашли фирма номидан расмий бланкалар, муҳрлар, тамғаларда ва ўз фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Бундан ташқари "Фирма номидан фойдаланиш"ни назарда тутувчи 7-модда ҳуқуқ эгаси фирма номидан товарларда, уларнинг идиши ва ўрови, реклама, пешлавҳалар, проспектлар, ҳисобварақлар ҳамда босма нашрларда, товарларни Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган кўргазмалар ва ярмаркаларда ишлатиш ҳуқуқига эга деб белгилаб қўяди.

Фирма номига бўлган ҳуқуқ фақат юридик шахсни бирлаштириш, қўшиш, бўлиш ва ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этилган ёки бутун корхона мулкий мажмуа сифатида сотилган ҳоллардагина бошқа юридик шахсга ўтказилиши мумкин (9-модда. "Фирма номига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш").

11-моддага мувофиқ эса фирма номидан бошқа шахснинг ноқонуний фойдаланиши юридик шахснинг фирма номига бўлган ҳуқуқини бузиш деб эътироф этилади. 12-модда фирма номига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари жумласига ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрлиқлар, идишлар ва ўровлардан ҳуқуқбузар ҳисобидан олиб ташлашни, улардан ноқонуний фойдаланилган фирма номини олиш мумкин бўлмаган тақдирда эса уларни ҳуқуқбузар ҳисобидан йўқ қилишни ёки контрафакт товарлар, ёрлиқлар, идишлар ва ўровларни фирма номига бўлган ҳуқуққа эгалик қилувчига бериш, юридик шахснинг ишчанлик обрўсини қайта тиклаш мақсадида суд қарори тўғрисидаги ахборотни оммавий ахборот воситаларида эълон қилишни кўзда тутади.

Таъкидлаш лозимки, "Фирма номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг нормалари Конституциямизга, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ келади.

«Халқ сўзи» мухбири Салим ДОНИЁРОВ ёзиб олди.

Ўзбекистон:

МУСТАҚИЛЛИКДА 15 ЙИЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

15 йиллик мустақил тараққиёт йилларида қонунчилик соҳасида катта ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳати шуки, уларда инсон ҳуқуқлари ҳимояси устуворлик касб этди. Республика раҳбарияти жиноят қонунчилигини енгиллаштиришга ва суд тизимини тартибга солишга қатта эътибор қаратмоқда. Шу муносабат билан мамлакат қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларига жиддий ўзгартишлар киритилди. Жуда қисқа муддатларда эришилган бу ютуқлар мамлакатнинг Марказий Осиё давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллашини таъминлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида ўлим жазосини қонун асосида бекор қилган биринчи давлат бўлди. Аслида кейинги йилларда ўлим жазоси ёши олтмишдан ошган кексалар ва вояга етмаганларга нисбатан қўлланилмаётган эди. 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатда ўлим жазоси бутунлай бекор қилинади. Бу қарорга биноан мазкур жазо умрбод қамоқ ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилади. Ушбу қадам Марказий Осиёдаги республикалар учун намуна бўлди.

Айрим давлатларнинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилаяпти деган иддаоларига ва уларнинг мамлакатни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан чеклашга уринишларига, жумладан, расмий Вашингтонга Хонободдаги авиабаза ижара шартномаси муддатини чўзиш рад этилганига қарамай, Тошкент Россия билан алоқаларини яхшилашга муваффақ бўлди ва ўзининг қўшнилари билан жипслашди. Дунёдаги кўплаб давлатлар Ўзбекистоннинг рангли инқилоблар экспортини рад этувчи позициясини ва мамлакат ҳеч қандай дўқ-пўписалардан чўчимаслиги ҳақидаги Ислом Каримов баёнотини тушуниш билан қабул қилмоқда. Кимлардир Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий инқироздан қочиб қутула олмайди дея башорат қилган бўлса-да, бугун биз бунинг аксини кўраяпмиз. Ўзбекистон чет эллик, хусусан, россиялик инвесторлар учун эшикларини очди. Фақат Газпром компаниясининг ўзи бу йил Ўзбекистондаги нефть ва газ конларини топиш ва ишга тушириш учун 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритмоқда. Биз ҳали мамлакатнинг пахта, олтин, автомобиль ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилиш имкониятлари ҳам кенгайиб бораётганини тилга олмадик. Бундан ташқари, тинч ва осуда мамлакат чет эллик сайёҳларда ҳам жуда катта қизиқиш уйғотмоқда. Дам олиш уйлари ва санаторийлардаги жонланиш бунга ёрқин мисол. Бир сўз билан айтганда, айрим кучларнинг Ўзбекистондаги мавжуд тузумни ўзгартиришга, мустаҳкам томир отишга улгурган дарахтни — ёш давлатни синдиришга уринишлари амалга ошмади.

Қонунлар ижросига бағишланди

Самарқандда, Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги ва экология қўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни мазкур қўмита раиси Ғофир Алиев олиб борди.

Кун тартибидаги муҳим масала — Ўзбекистон қорақўлчилигида «Наслчилик тўғрисида»ги ҳамда «Ветеринария иши тўғрисида»ги Қонунлар ижроси барчани қизиқтирди. Ушбу масалалар бўйича Ўзбекистон Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти директори Суръат Юсупов, Ўзбекистон Ветеринария илмий-тадқиқот институти директори Маҳмуд Бўтаев, Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Хайрулла Ибрагимов, «Ўзбекқорақўл» компанияси раиси Фазлиддин Аҳмедов чиқиш қилишди.

Қўмита йиғилишида таъкидланишича, республикамиз чорвачилигида қорақўл қўй зоти муҳим ўрин тутади. Зотнинг таркиби жуда ҳам мураккаб. Унда 10 ранг, 12 тус ва 30 га яқин ранг-барангликлар мавжуд. Қорақўл зотини ўзбек халқининг нафақат моддий, балки маънавий бойлиги ва ифтихори ҳам деб ҳисоблашади.

«Наслчилик тўғрисида»ги Қонунга биноан, кейинги йилларда жаҳон мўйна бозорида ясси-қовурғасимон қорақўл териларига бўлган талабнинг ошиши муносабати билан селекция-наслчи-

Сайёр йиғилиш

лик ишлари ушбу типларга хос қорақўл терилари етиштиришга йўналтирилаяпти. Бу борада Қашқадарё вилоятининг Ғафур Ғулом номли наслчилик заводида, Конимех туманидаги «Сарибел» наслчилик заводида диққатга сазовор ишлар амалга оширилаяпти.

Наслчилик ишларини мақсадли равишда амалга ошириш зотнинг ирсий салоҳиятидан унумли фойдаланиш имконини беради. Лекин бу борада ҳали мавжуд имкониятлар даражасида иш юритилмаяпти. Агарда селекция-наслчилик ишларини юритиш жараёнида илмий жиҳатдан асосланган услублар мақсадли равишда қўлланилса, салоҳиятдан фойдаланиш даражасини 75-80 фоизга етказиш имкони туғилар экан. Айни пайтда эса бу кўрсаткич 60-65 фоиздан ошмаяпти.

Таъкидламоқ жоизки, қорақўлчилик яйловлари маҳсулдорлигини оширишнинг муҳим саналган омили фитомелиорация услубидир. Афсуски, сўнгги йилларда бу масалага етарли эътибор берилмаяпти. Яйловларга сув чиқариш, суғориш иншоотларини таъмирлаш ишларининг ҳам кўнгилдагидек эмаслиги қўмита йиғилишида айтиб ўтилди.

Қўмита йиғилишида кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шахс дахлсизлиги кафолатлари

Кеча Олий судда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонларини амалга ошириш масалаларига бағишланган «Яшаш ҳуқуқи ва шахс дахлсизлиги кафолати» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари муҳокама этиладиган масалаларга оид билим ва тажрибаларни алмашиш, билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар асосида қонунчилигимизга киритилиши назарда тутилган ўзгартиш ва қўшимчаларни белгилаб олишни асосий мақсад этиб белгиладилар.

Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги ходимлари, Олий суд судьялари, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва судьялари, ҳуқуқшунос олимлар, экспертлар ва ОАВ вакиллари иштирок этган анжуманда айни пайтда мамлакатимизда барча соҳалардаги каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар самарали амалга оширилаётгани ва бу ишлар Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида олиб борилаётгани таъкидланди.

Маълумки, мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиш масаласи соҳадаги ислоҳотлар билан ҳамоҳанг равишда босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётир. Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармон ривожланган давлатларга хос демократик хусусиятларни ўзида мужассамлаштирганлиги туфайли нафақат халқимиз, балки дунё ҳамжамияти томонидан ҳам катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Тадбирда ушбу фармон халқимизнинг демократик қадриятларга мос интилишларини ифодалаши қайд этилди.

Шу билан бирга, конференцияда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги фармон фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари суднинг қарорисиз чеклаб қўйилмаслигини таъминловчи ҳуқуқий механизм яратиш борасида муҳим қадам экани ҳамда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларининг вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш, шахс дахлсизлиги ва адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқни таъминлашни назарда тутиш ҳақида сўз борди.

Шунингдек, анжуманда «Яшаш ҳуқуқи дахлсиздир», «Ўзбекистонда ўлим жазоси: халқаро ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро нисбати», «Ўлим жазосини бекор қилишнинг ҳуқуқий ва амалий аҳамияти тўғрисида» ҳамда мазкур фармонларнинг хусусиятлари ва улардан келиб чиқувчи вазифаларга бағишланган қатор маърузалар тингланди.

Д.САЛИМ.

ТАРАҚҚИЁТ САРИ ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ...

(Давоми. Боши 1-бетда).

улкан ҳажмдаги хорижий сармояларнинг жалб қилинишига олиб келди. Ҳозирги кунда бу ерда энг замонавий талабларга жавоб бера оладиган илғор телекоммуникация тизими таркиб топди. Мамлакат аҳолиси ахборот тизимларидан фойдаланиши учун кенг имкониятларга эга.

Буларнинг ҳаммаси, ҳеч сўзсиз, республикада мазкур йўналишда аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсат олиб борилаётганлигидан ва соҳанинг узлуксиз ривож топиши таъминланаётганлигидан далолат беради.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасида мамлакатларимизаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар ва меъёрий-ҳуқуқий база вужудга келган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Малайзияга юқорида эсланган давлат ташрифи давомида бу борада ўзаро ҳамкорликни тобора мустаҳкамлаш соҳасидаги қатъий ҳоҳиш-истаклардан гувоҳлик берувчи ҳужжатлар имзоланди. Бу ҳужжатлар, ўз навбатида, ишбилармонлар доираси вакиллари учун ҳам юксак даражада кафолатловчи ва рағбатлантирувчи омиллардир. Малайзия компаниялари Ўзбекистондаги ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) бозорига катта қизиқиш билан қарамоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг мамлакатда бу қадар кенг кўламда равнақ топаётганлиги шароитида кадрлар салоҳияти масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Техника қанчалик янги бўлмасин, у барибир техникадир. Техникани мутахассислар яратади ва ишлатади. Ўзбекистонда мазкур соҳада юқори малакали мутахассис кадрларни тайёрлаб етиштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Мамлакатни компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини амалда жорий этиш, ахборот ва компьютер технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, янги кўникмаларни таълим жараёнига олиб киришга доир давлат миқёсида талайгина ҳужжатлар қабул қилинган.

Ўзбекистонда Тошкент ахборот технологиялари университети фаолият кўрсатмоқда, унинг минтақаларда филиаллари ишлаб турибди. Бу олий таълим муассасасида дастурий маҳсулотлар, тармоқ технологиялари, ҳаракатдаги алоқа, электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги йўналишларида мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Университет қошида бир қатор лицейлар, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги пешқадам халқаро компанияларининг ўқув компаниялари фаолият юритмоқда, университетнинг илмий-педагогик салоҳияти энг юқори даражада. Айниқса, бу университетнинг соҳа бўйича Малайзия ўқув муассасалари билан ўрнатган яқин алоқаларини алоҳида тилга олиб ўтмоқчиман. Икки ўртада илмий-педагогик кадрлар ва талабалар алмашиш, илмий-тадқиқотлар ўтказиш; биргаликда илмий-амалий семинарлар, конференциялар уюштириш; ўқув режалари, дастурлар ва материалларни ўзаро баҳам кўриш бўйича фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Таълим жараёнига ахборот-коммуникация ва инновация технологияларини жорий этиш масаласида ўзаро ҳамкорликда кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда.

Ишончим комил, соҳада қарор топган сиёсат ва амалга оширилаётган ислоҳотлар Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, иқтисодиётни равнақ топтириш, техник хизмат ва турмуш шароитини яхшилаш борасида ўзининг юксак самараларини беради.

Улуғ байрам арафасида Ўзбекистоннинг меҳмондўст ва меҳнаткаш халқини, дўстларимни байрам билан чин қалбдан самимий табриклайман ва бу ажойиб заминга юксак фаровонлик тилайман.

Дато М.Редзуан ХУСАИРИ, «ВебМатрикс» компанияси раҳбари.

Шокиржон Мадраимов "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг Тошкентдаги "Сервис–экспресс ва маҳаллий йўналишдаги йўловчи поездларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш" бўлимида меҳнат қилади. У ўз ҳаётини темирйўл соҳасига бағишлаган десак, муболаға бўлмайди. Шокиржон иш фаолиятини оддий чилангарликдан бошлаб, поезд бригадиригача бўлган йўлни босиб ўтди. У ўз ҳамкасблари орасида тажрибали мутахассис сифатида ҳурмат қозонган. Айни пайтда Ш.Мадраимов бошчилик қилаётган "Тошкент — Андижон" йўналишидаги поезд йўловчиларга намунали хизмат қилиб келмоқда. Ушбу жамоанинг хизматидан мижозлар мамнун.

СУРАТДА: ***тажрибали темирйўлчи Шокиржон Мадраимов.***

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Қутлуғ кунлар шукуҳи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эътироф этиш керакки, ҳашар ўзбек халқигагина хос бўлган миллий қадриятларимиздан саналади. Бу, айниқса, энг улуғ байрамимиз — Мустақиллик байрами арафасида ўзгача манзара касб этади. Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, байрам нафасини ҳис этасиз.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, халқимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, саховатпешалик ва меҳр-оқибат сингари қутлуғ фазилатларни янада юксалтиришда ҳам мамлакатимизда ўтказиладиган умумхалқ ҳашарининг аҳамияти катта. Қолаверса, "Маҳалла" жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, маҳаллий ҳокимликлар ва жамоатчилик вакилларининг ташаббуси билан ўтказиладиган умумхалқ ҳайрия ҳашари республикамизнинг барча аҳоли кўнглидаги, дилидаги муддао бўлди, десак, янглишмаймиз.

— Биз энг улуғ байрамимиз — Мустақилликнинг ўн беш йиллигига тайёргарликни йил бошиданоқ бошлаб юборганмиз, — дейди Ўзбекистон туманидаги Охунбобоев номли фуқаролар йиғини раиси Одилжон Худойназаров. — Ҳудудимиздаги барча қишлоқ кўчалари ободонлаштирилди, кам таъминланган хонадонларнинг уй-жойлари ҳомийлар ёрдамида имкон қадар таъмирланди.

Ободонлаштириш ва тозалик ойлиги доирасида ўтказилаётган умумхалқ ҳашаридан тушадиган маблағ ёрдамга муҳтож оилаларга саховат, "Меҳрибонлик", "Мурувват", "Саховат" уйларига меҳр, эътибор бўлиб кириб бориши шубҳасиз.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 18 август. Исмоил Бекжон «Улуғбек чиздирган харита»:

«Мутрибий хабарига кўра, бу харита Улуғбек вафотидан 150 йил кейин ҳам мадраса деворида сақланиб турган ва турли-туман ўлкалардан келган талабалар XVI асрда ҳам дор ул-илм вазифасини бажараётган Самарқандда табиий илмларни ўрганишда давом этганлар».

«Моҳият» 18 август. А.Худойбердиев, Қ.Тўрақулов «Арнасойлик ерфурушлар»:

« — Тинчлик, домла, тинчлик, — деди Ўткирбек. Сўнг гапни қисқа қилиб, мақсадга кўчиб қўя қолди. — Хабарингиз бор, бу йил ерни кўпайтириб олганман. Харажатларим ҳам кўпайиб кетди. Шунинг учун 3-4 гектарини сотмоқчиман».

«Адолат» 18 август. Беҳбуд Ботиров «Тараққиётга эргашиб, табиатни асрайлик»:

«Атмосферага дунё бўйича ҳар йили одам бошига 300 килограмм чиқинди чиқарилади. Америкадан Европага етиб келгунча реактив самолёт 8 соат ичида 50-75 тонна кислород сарфлайди. Шунча миқдордаги кислородни тахминан 25-30 минг гектар ўрмон 8 соатда ишлаб чиқара олади. Таққослаб кўринг!»

«Тошкент оқшоми» 17 август. Ильмира Зайнутдинова «Пойтахтнинг яшил либоси»:

«Юртбошимизнинг Мустақиллигимизнинг илк кунларидан Тошкентнинг ташқи кўринишига алоҳида эътибор бериб келаётгани бежиз эмас. Пойтахт шаҳар — ҳар бир давлатнинг бутун имкониятлари ва салоҳиятини кўз-кўз қилувчи, унинг юксак қадриятлари хусусида илк таассуротни шакллантирувчи остона, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, асосий дарвоза вазифасини ўтайди».

«Чағониён» 18 август. Бахтиёр Олломурод «Лочин»нинг ҳиммати»:

«Фаолияти бошланганидан буён «Лочин» хайрия ишларга бир миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлади. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да эса, фойдаланишга топширилган 40 ўринли саломатлик маркази хизматларидан баҳраманд бўлаётганлар «Лочин»ни алқаб дуо қилишаяпти».

МУСТАҚИЛЛИК ТАҚДИРИМИЗДА

Истиқлол — ўзингни, ўзлигингни намоён этиш имконияти, маҳаллангга, эл-юртингга сидқидилдан хизмат қилиш фурсатидир. Эркинликда яшаш саодатининг ўн бешинчи довони насиб этган бу кунларда юракда адоғи йўқ, самимий туйғулар жўш уради. Юртимиздаги обод манзиллар, қад ростлаётган муҳташам биноларга боқиб, беихтиёр мағрурланасан, киши. Ахир, фахру ифтихорни деш қилмай бўладими? Бу ўзгаришлар юрт равнақи, эл-улус фаровонлиги, ёш авлоднинг келажаги учун-да! Биз биргина мактаб, яъни таълим-тарбия борасидаги юксалишларни инобатга олганимизда ҳам, Ўзбекистон — юртимиз равнақи йўлида қанчалик улуғ юмушлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўламиз.

ЭЗГУЛИККА САРФЛАНАЁТГАН САРМОЯ

Албатта, бундай юксак эътироф халқимизнинг кундалик ҳаётида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Бинобарин, мактаб таълими бошқарувининг такомиллаштирилган самарали тизими яратилгани, халқ таълими бошқарувининг барча поғоналарида ҳамда таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган раҳбар кадрлар аттестациядан ўтказилиши, улар учун мунтазам ўқув семинарлари ташкил этилиши айни шу изчил сиёсат туфайлидир.

Бугунги кунда мактабларимизда "Очиқ эшиклар куни" деб аталувчи тадбир ўтказиш яхши анъанага айланди. Бундан муддао шуки, фаоллар биргалашиб белгиланган режа асосида бирор мактабда бўладилар. У ердаги фаолият бошдан-оёқ кузатилади, дарс жараёни, ўқувчиларнинг иштироки, ўқитувчиларнинг дарсга ижодий ёндошишидан тортиб мактабнинг моддий базаси, аҳволи ўрганилади. Ва пировардида холислик нуқтаи назаридан мактабда бирор нарсага муҳтожлик сезилса, баҳамжиҳат бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Мана шундай тадбирлар юртимиздаги аксарият мактабларнинг моддий-маънавий ҳаёти ўнгланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мактаб таълими зиммасига қўйилаётган талаблардан келиб чиққан ҳолда ўқув режага бир қатор ўзгартишлар киритилди: информатика фани тажриба-синов тариқасида танлаб олинган мактабларда 5-синфдан ўтилмоқда; ўқувчиларнинг спортга қизиқишларини ошириш мақсадида жисмоний тарбия фани умумтаълим мактабларининг V-IX синфларида мактаб ихтиёридаги соатлардан ҳафтасига 0.5 соатдан, X-XI синфларда бир соатдан

Мактаб таълимини ривожлантириш, бу борадаги ислоҳотларни изчил ҳаётга татбиқ этиш халқ таълимида туб бурилиш ясади. Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди: мактаблар сони 9727 тадан 9748 тага, ўқитувчилар сони 447129 дан 451567 нафарга ошди. Албатта, бу рақамлар ортида ҳукуматимизнинг соҳага эътибори, мутасаддиларнинг меҳри, меҳнати турибди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. 2006 йил давлат бюджетида белгилаб қўйилганидек, ишчи ва хизматчиларнинг умумий иш ҳақи, шунингдек, стипендия, пенсия ва нафақалар миқдорини 33 фоизга ошириш кўзда тутилган.

давлат ихтиёридаги соатларга қўшимча равишда ўқитилади; ихтисослаштирилган мактаблар ва чуқурлаштирилган синфлар тармоғини кенгайтириш, уларда ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг барча устувор йўналишлари бўйича белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321-сонли қарори билан тасдиқланган дастурнинг 2005 йилда жами 1097 та таълим объектлари, шу жумладан, 53 та янги мактаб биноларини қуриш, 284 тасини капитал реконструкция қилиш, 438 тасини капитал ва 322 тасини жорий таъмирлаш ишлари охирига етказилди. Бунинг учун Мактаб таълими жамғармаси томонидан 97,9 млрд. сўм маблағ сарфланди. 2004-2005 йилларда бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2004 йилга нисбатан 2005 йилда жами 129770 ўқувчи ўрнидан ортиқ мактаб биноларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Айниқса, ўтган йили янги мактаб биноларининг қурилиши амалга оширилиши натижасида 10273 ўқувчи ўрнига, капитал реконструкция ишлари натижасида 104504 ўқувчи ўрнига, жами республика бўйича мактаблардаги ўқувчи ўрни 114777 ўринга кўпайди.

Кези келганда алоҳида таъкидлашни истардикки, ҳукуматимизнинг мактабга қаратаётган ғамхўрлиги фуқароларимизнинг ҳам ташаббус билан чиқишига сабаб бўлмоқда. Умумхалқ ҳаракати натижасида республика бўйича Дастурга кирмаган объектлардан жами 101829 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 167 та таълим муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари тугатилиб, фойдаланишга топширилгани ва бу ишларга қарийб 10 млрд. 819 млн. сўм маблағ сарфлангани фикримиз далилидир. Кўринадики, халқимизнинг "Ҳашар — элга ярашар" деган нақли бу жараёнда яққолроқ намоён бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2006 йилга тасдиқланган параметрлар доирасида республика бўйича 1317 та мактабнинг ҳужжати тайёрланди. Жумладан, 61 та янги қуриладиган, 382 та капитал реконструкция қилинадиган, 530 та капитал ва 344 та жорий таъмирланадиган мактабларнинг манзилли рўйхати тайёрланди. Ўз навбатида, улар умумтаълим мактаблари моддий-техник базасининг ҳолатини ўрганиш ҳамда Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш бўйича республика махсус комиссияси томонидан тасдиқланди.

Таъкидлаш лозимки, ҳомий ташкилотлар ва саховатпешалар томонидан умумтаълим мактабларига жами 4 млрд. 536 млн. 432 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 2005-2006 ўқув йили учун барча маблағлар ҳисобидан жами 18 млн. 636 минг нусха (16,7 млрд сўмлик) дарсликлар харид этиш режалаштирилган эди. Республикадаги барча мактаблар бўйича тиллар ва синфлар кесимида уларнинг дарсликлар билан таъминланиш ҳолати ҳамда 2005-2006 ўқув йилида дарсликларга бўлган эҳтиёж қайта ўрганиб чиқилди. Аниқланган режага асосан барча маблағлар ҳисобидан 463 номдаги дарсликлар харид этилди. Шундан 444 номдагиси қайта нашр этилди, 19 номдагиси эса янгидан яратилди.

Президентимизнинг "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2005 йил 26 декабрда Халқ таълими вазирлигининг 315-сонли ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 4984-сонли қўшма буйруқлари қабул қилинди.

Мазкур буйруқ асосида "Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари ҳамда раҳбар ходимларининг иш юкламасини белгилаш ва тақсимлаш бўйича" йўриқнома, "Бошланғич синф ўқитувчиларининг намунавий йиллик иш режаси", "Фан ўқитувчисининг намунавий йиллик иш режаси", "Мактаб директорининг намунавий иш режаси", "Мактаб директори ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарининг намунавий иш режаси", "Мактаб директори маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарининг намунавий иш режаси" ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, вилоятларга юборилди.

Кези келганда, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 25-27 май кунлари Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи муносабати билан "Жиньминь Жибао" газетаси мухбирига берган интервьюсидаги мана бу жумлаларни келтириб ўтсак: *"...Таълим учун харажатлар Давлат бюджети харажатлари умумий қийматининг қарийб ярмини ташкил этади. Бироқ мен уларни харажат эмас, келажак учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблайман, чунки таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омилдир. Мавжуд умумтаълим мактабларининг қарийб 90 фоизи таъмирланиб, қайта жиҳозланмоқда..."*

Мавжуд мактабларнинг 90 фоизи қайта таъмирланиб, жиҳозланиши учун қанчадан-қанча маблағ талаб этилишини тасаввур қилинг. Агар юртимиздаги мактаблар сони қарийб 10 мингта эканлигини инобатга олсак, олиб борилаётган ишлар салмоғи нақадар улкан эканлигини ҳис этиш қийин эмас. Энг муҳими, бу борадаги вазифалар умуммиллий дастурга биноан давом этаверади. Бир сўз билан айтганда, мактабларимизнинг қиёфаси ҳам, ўқув ускуналари янгиланиши ҳам тўхтаб қолмайди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ёшлар фестивали

Жиззах вилояти, Зарбдор тумани хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган тадбир республика мустақиллигининг 15 йиллик байрамига бағишланди.

Улуғбек номли 5-умумтаълим мактабига тўпланган туманнинг энг фаол ёшлари «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» шиори остида ўтказилган тадбирда огоҳлик, терроризмнинг зарарли оқибатлари, Ватанимиз келажаги бўлган ёшларнинг бурчи каби мавзулардаги суҳбатларни тингладилар, мунозараларда иштирок этдилар. Ички ишлар бўлими ходимлари, халқ таълими фидойилари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар билан бўлган давра суҳбати ҳам мусиқий чиқишлар, оммавий қўшиқ ва рақсларга уланиб кетди.

Ижодкор ёшларнинг «Истиқлол мушоираси» йигит-қизларнинг байрамга ўзига хос гулдастаси бўлди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Молия муассасаларида

Бозор иқтисодиёти банклар фаолиятида ҳам кескин бурилиш ясади. Доимо мижозларини кутиб, сукут сақлаб турадиган банкларнинг ўзи эндиликда тадбиркорларнинг ҳузурига ташриф буюрадиган бўлди. Ҳатто улар тадбиркорларнинг гуруҳлари ва муайян тоифаларига қулайроқ хизмат кўрсатиш учун ихтисослаша бошладилар. Мустақиллигимизнинг муборак 15 йиллигини нишонлаш арафасида ташкил этилган «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки — ана шундай ихтисослашган микромолиявий хизмат кўрсатадиган муассасалардан бири. Биз «Микрокредитбанк» бошқаруви раиси Жамшед САЙФИДДИНОВ билан тадбиркорлик субъектларини, айниқса, тадбиркор аёлларни микрокредитлаш борасидаги дастлабки қадамлар тўғрисида суҳбатлашдик.

MIKROKREDITBANK

«МИКРОКРЕДИТБАНК»:

ТАДБИРКОР ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАМКОРИ

— Жамшед Бадриддинович, бугун тадбиркорларга микромолия хизмати кўрсатиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. «Микрокредитбанк» ўз мухлисларини чиндан ҳам топа олаяптими?

— Иқтисодиётимизда катта сифат ўзгаришлари юз бераётганини кўриб турибмиз. Мустақиллик эълон қилинганидан сўнг ўтган ўн беш йил бизни иқтисодиётнинг жаҳон андозаларига мос тамойилларини эгаллаб олишимизга имкон берди. Аслини олганда, ҳар қандай янгилик ва фойдали тадбирни амалга ошириш маблағ ва сармояларни талаб этади. Бундай сармояга эга бўлган банклар жараёнга лоқайдлик билан қараб турадиган бўлса, сарфланган маблағлар фойда бермаслиги, ачинарлиси, у ҳар доим ҳам қайтавермаслиги мумкин. Шу боис банклар амалга оширилаётган тадбирларнинг ҳаётийлигига ишонч ҳосил қилиш учун ҳар қандай яратувчиликнинг бошида ўзлари турадиган бўлдилар.

Иқтисодиёт жабҳалари синчковлик билан кузатилганида ва тараққиёт жараёнидан тўғри хулосалар чиқарилганидагина ишлаб чиқариш амалиёти яхши самаралар бериши мумкин. Кейинги пайтда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик кундалик ҳаётимизда мўл-кўлчилик яратиш борасида катта аҳамият касб эта бошлагани кўзга ташланди. Бозор иқтисодиёти ислоҳотлари натижасида, Президентимиз таъбири билан айтганда, «Мамлакатимизда демократик жамиятнинг асоси ва таянчи сифатида ўрта синф шакланмоқда». Бу синф вакилларини Юртбошимиз ўзининг шу йил 10 февраль куни сўзлаган «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» деб номланган маърузасида шундай изоҳлади: «Биринчи навбатда, бу — ўз кучи ва имкониятига таяниб-суяниб яшайдиган, ўзини, оиласини боқаётган ва давлатга ҳам катта наф келтираётган, ўзининг мустақил тижорат ишига эга бўлган мулкдор-тадбиркорлардир.

Айнан шундай одамлар жамиятимизнинг таянчи бўлиб, унинг ижтимоий асосини ташкил этади. Чунки айнан шулар демократик ва бозор ислоҳотларини давом эттириш ва чуқурлаштиришдан, мамлакатни барқарор ва изчил ривожлантиришдан кўпроқ манфаатдор эканини таъкидлаш зарур».

Аҳолининг энг ишончли, мамлакат тақдирига ўз тақдирини чамбарчас боғлаган қатлами, муҳими, қўлида ҳунари бор хотин-қизларимиз, оила бошлиқлари, оналар астойдил меҳнат қиладилар. Уларга берилган ёрдам зое кетмайди. Ажратилган сармоялар мўл-кўл озиқ-овқат маҳсулотлари, бежирим кийим-кечаклар ва бошқа харидоргир моллар бўлиб қайтади. Бундай моддий фаровонлик якка тартибда иш олиб бораётган тадбиркорлар, оилавий бизнес билан шуғулланаётганлар, касаначилик фаолиятини ташкил этаётганлар, кичик бизнес субъектларида, фермер ва деҳқон хўжаликларида фаолият юритаётганлар томонидан яратилаётгани сир эмас. Бу сингари бунёдкорларнинг, қомил ишонч билан айтаманки, кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этади. Ўз меҳнатсеварлиги, ҳунари билан тан олинган аёллар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳеч қачон пештахтада қолиб кетмайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар, уларнинг эҳтиёжларини яхши англаган ҳолда қўллаб-қувватлайдиган ихтисослашган банкни ташкил этиш заруратн пайдо бўлди. «Микрокредитбанк» ана шундай эҳтиёж асосида, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилди.

— Банк томонидан хотин-қизларга тадбиркорлик, касаначилик, фермерлик, умуман, кичик бизнесни ривожлантириш учун кредитлар ажратиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Кичик бизнес муваффақиятида хотин-қизларимизнинг алоҳида ўрни бор. Ўзингиз ўйлаб кўринг: касаначиликни аёллар меҳнатисиз тасаввур этиб бўладими? Фермер ва деҳқон хўжаликларидаги асосий меҳнат ҳам аёллар зиммасидадир. Жуда кенг қўламда тарқалган тикиш-бичиш билан боғлиқ корхоналар, гўзаллик салонлари аёллар меҳнатини талаб этади. Бизнинг давримизда кўпгина корхоналарни ҳам хотин-қизларнинг ўзлари дадил очмоқдалар. Бунга Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва Марказий банк билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширган учрашувларда гувоҳ бўлдик. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, чинакам ҳунари бор, қўлидан иш келадиган аёллар чет қишлоқларда ҳам ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини ташкил эта олганлар.

Банкимиз томонидан тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида мунтазам тарзда амалий ишлар олиб борилмоқда. Буни қуйидаги мисоллар ҳам кўрсатиб турибди. Жумладан, «Микрокредитбанк» АТБнинг Бухоро вилояти Ғиждувон филиали томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун иккита мижозга 7 миллион сўм кредит ажратилиб, эвазига 16 та янги иш ўрни яратилди. Банкимизнинг Янгибозор филиали томонидан иккита мижозга чорва моллари сотиб олиш учун 824 минг сўм, бир мижозга тикув машиналари сотиб олиш учун 1,4 миллион сўм кредит ажратилди. Бунинг эвазига 7 та янги иш ўрни очилди. Бундай далилларни кўплаб келтиришимиз мумкин...

Тўғри, биз кредитлар ажратиш ишини бошлаганимизга унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ биз бутун республика бўйлаб кезиб, кўплаб моҳир, билимдон, бир сўз билан айтганда, қўлидан иш келадиган аёлларни аниқладик ва улар билан яратувчилик ва бунёдкорлик борасида ҳамкорлик қилмоқдамиз.

— Бугунги кунда «Микрокредитбанк» кредитлари ҳисобига ўз ишларини йўлга қўйиб олган аёллар борасида нималар дея оласиз?

— Маълумки, «Микрокредитбанк» ўзининг яратувчиликка бошлайдиган сармоялари билан республикамизнинг олис қишлоқларига ҳам кириб бориши керак. Мен Андижонда очилган «Имкон» кичик корхонасини биламан. Уни илгари Андижон бадиий буюмлар фабрикасида ишлаб келган чевар Мақсудахон опа Холматова очган. Тадбиркорга «Микрокредитбанк» лизинг асосида дастгоҳлар олиб берди. Шуни айтиш керакки, опа корхонасида тикувчиликка ўргатувчи курслар очган. У кичик корхонада 16 та иш ўрни яратди. Шу билан бирга, касаначи аёлларга иш бермоқда. Айни кунларда ўқувчилар формалари ва ўқитувчилар кийимлари тикиш борасида каттагина буюртма олган. Тадбиркорнинг корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Чеварларнинг сардори М.Холматова аллақачон кредитларни тўлаш борасида ўйлаб кўрмоқда. Бундай келажаги бор мижозлар билан биз корхонани кенгайтириш борасида ҳам иш олиб борамиз. Мақсуда опанинг турмуш ўртоғи Муҳаммадали ака — уста асаларичи. Бу киши ҳам опадан ўрнак олиб, асаларини кўпайтириш учун банкдан микросармоя олиш ҳаракатига тушиб қолди...

Узоқ Томди туманида кредит олувчилар билан семинарлар ўтаётганда тадбиркор аёл Луиза Бахтибоева билан танишдик. Опа ҳозир тикув цехи очган. Кўп ўнгини қайта ишлаш борасида ҳам ҳаракатларни бошлаб юборган. Унга «Микрокредитбанк» сармоялари катта имкониятлар яратмоқда. Натижада ўн бешта доимий иш ўрни очилди. Шу туманлик Фарида Муҳамеджонова ҳам «Жигер» деган кичик корхона очди. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар янада қувончли. Фаридахон миллий безаклар билан оро берилган, қишда иссиқ, ёзда салқин ўтов тайёрлайди. Унинг ясаган ўтовлари аллақачон харидорларга манзур бўлган. Банкимиз микромолия хизмати туфайли «Жигер» тўла қувват билан ишлай бошлади.

Қорақалпоғистонлик Умидхон Рейимова бошланғич сармоя учун 1 миллион сўм, гулистонлик Дилрабо Эгамбердиева чорва моллари сотиб олиш учун ярим миллион сўм, янгибозорлик Манзура Аҳмедова чорва моллари сотиб олиш учун 540 000 сўм, куйганёрлик Саидахон Нажмиддинова бошланғич сармоя учун 432 000 сўм, пахтаободлик Гулчеҳра Билимжон маиший хизмат ишларини йўлга қўйиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробари миқдорида кредитлар олиб, ўзларининг тадбиркорликларини йўлга қўйиб юборганларининг ҳам гувоҳи бўлдик. Очиғини айтганда, «Микрокредитбанк»дан сармоя олиб, тадбиркорлик ишларини йўлга қўйиб юборган барча тадбиркор, чевар ва моҳир аёлларнинг номини бирма-бир айтиб ўтиш мушкул. Улар кейинги пайтларда кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

— Шу ўринда банк томонидан ажратилаётган кредит ва лизинг хизмат турларининг миқдори тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— Аввало, шуни айтиш керакки, кредитлар муайян миқдорда, тадбиркорнинг мавқеига қараб, аниқ белгилаб қўйилган. Микромолия хизматлари қуйидаги йўналишлар бўйича ажратилади:

— бошланғич сармоясини шакллантириш учун йиллик 5 фоиз ставка билан 18 ой муддатга;

— юридик шахс мақомига эга бўлмаган кичик бизнес субъектлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда;

— юридик шахс мақомига эга бўлган микрофирмалар ва деҳқон хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда;

— фермер хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда.

Микрокредитлар бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун кичик бизнес субъектларига Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставкаси бўйича энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда 24 ой муддатга берилади.

«Микрокредитбанк» кичик бизнес субъектлари учун, шунингдек, Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорда 3 йилгача бўлган муддатга имтиёзли микролизинг хизматлари кўрсатади.

— Маълумки, кредитлар эртага қайтарилиши зарур бўлган маблағлардир. Ундан хотин-қизлар яхшироқ фойдалана олишларига ишонасизми?

— Кредит — вақти-вақти билан фоизи тўлаб бориладиган ва маълум муддатда қайтариладиган сармоя. Шу боис уни шундай одам олиши зарурки, ундан ўз оиласи учун бирор фойда олсин, кейин унинг фоизини ва кредитнинг ўзини вақтида қайтарсин. Агар кредит олувчи янги иш ўринлари ташкил этиб, кўни-қўшнининг оиласини ҳам обод қилса, олам гулистон! Кўпинча бирор иш билан шуғулланарман, дея шунчаки вақтини бекор ўтказмаслик учун кредит оладиганларга бу сармоя бирор наф келтириши мушкул. Бироқ аёлларнинг кўпчилиги уста-чевар бўладилар, чорвани ҳам улар эплайдилар. Шу боис уларга берилган кредитлар кўп ҳолларда муддатидан олдин ҳам қайтади. Шу сабабли биз хотин-қизларга ишончли ҳамкор сифатида, бизнинг ишга солинмай турган имкониятларимиз сифатида қарамоқдамиз.

Кредит учун бор-йўғи бир неча ҳужжат зарур. Аёллар кредит қайтарилишини кафолатлайдиган ҳужжат тақдим этгани заҳотиёқ уларга ёрдам қўлини чўзмоқдамиз. Чунки аёллар ўзларининг ишчанликлари, нозик дидлари билан катта яратувчилик ишларига қодирдирлар. Шундай экан, хотин-қизларнинг моддий фаровонлик яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларига туртки бериш, кўмаклашиш тараққиётнинг катта йўлига яна ҳам тезроқ чиқиб олишимизга ёрдамлашади. Муҳими, «Микрокредитбанк» сармоялари ҳар доим тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида бўлаверади.

Рашид РАУПОВ
суҳбатлашди.

Дастурхонимиз файз-баракаси

Айни кунларда пойтахтимиз ва вилоятлар марказлари, катта-кичик шаҳарлардаги бозорлар ўзгача қиёфа касб этган. Хусусан, қутлуғ айём — истиқлолимизнинг 15 йиллик тантаналарига бағишлаб ташкил этилган қишлоқ хўжалик ярмаркаларида юртимиз дала, боғларида етиштирилган сархил нозне ъматларнинг таъбир жоиз бўлса, ўзига хос намойиши бўлиб ўтмоқда.





Таъкидлаш ўринлики, айнан, бу каби тадбирлар бозорлардаги нархнавонинг мўътадиллашишига, расталарнинг ранг-баранг маҳсулотлар билан тўлиб тошишига, энг муҳими, харидорларнинг олқишига сабаб бўлмоқда.

Андижонлик миришкорлар ҳам ўзлари етиштирган турли полиз-сабзавот маҳсулотлари, мева, асал, гўшт сингари табиат иньомларини Учтепа тумани аҳолисига бозор баҳосидан анча паст нархларда ҳавола этмоқда. Бу борада, айниқса, Избоскан, Олтинкўл, Марҳамат, Шаҳрихон ва Улуғнор туманлари нозне ъмат бунёдкорларининг маҳсулотлари пойтахтликларга манзур бўлаётир.

Андижон вилояти ҳокимлиги вакилининг маълум қилишича, қишлоқ хўжалик ярмаркаси давомида пойтахтликлар дастурхонига 2100 тонна маҳсулот етказиб берилади.

С. ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркасидан лавҳалар.

Организация реализует автомашины
марки
«Отойўл»
М 24,
1998 года выпуска.
Рассмотрим другие предложения — аренда, лизинг.
Телефон 398-33-91.
Факс 148-17-43.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Замонамиз қаҳрамонлари

Аксарият ишбилармон, тадбиркор, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида раҳбар бўлган аёлларнинг овозларини баландроқ кўтариб, буйруқ тарзида сўзлашлари, вақти келса, олди-орқаларига қарамай чапаничасига «лутфлар» ҳам қилишига ўрганиб қолган эканмизми, Ҳикоятхон Ўлмасованинг юзи, кўзи, гапириш оҳангидаги осойишталик, вазминлик дастлаб бизни ажаблантирди. Ҳикоятхоннинг фаолияти, иш услуби, тажрибалари билан танишиб борганим сайин ўз-ўзимдан уялдим: раҳбар, тадбиркор аёллар борасида онгимда ҳамон эски замонлардан қолган тушунчалар яшаб келаётган экан-да! Бугунги куннинг асл ишбилармони овоз пардаларию асабига зўр бериб эмас, ҳаётнинг муҳим тамойилларига таяниб одамларни, ўзи танлаган соҳасини, жамиятни тараққиёт йўлига бошлашига яна бир карра гувоҳ бўлдим.

ЖАСОРАТ АЁЛГА ҲАМ ЯРАШАДИ

Аввало ўзингни қадрла!

— Деҳқоннинг боласиман, муштдайлигимдан даладаман. Агроном бўлишни ёшлигимдан орзу қилганман...

Ҳикоятхон мана шу орзу йўлида қишлоқ хўжалиги институтини битириб, она қишлоғига келди, «Бўстон» хўжалигида бригада бошлиғи бўлди.

1990 йиллар эди. Аввалига «Ҳикоятхон раис бўлармиш» деган миш-мишлар тарқалди, кейин номзоди қўйилди. Лекин бу ёш мутахассиснинг доим гапнинг тўғрисини айтиб туриши ҳаммагаям бирдек ёқавермасди. Кимлар ҳайрон елка қисди, кимдир мийиғида тагдор кулиб қўйди — раисликка мўмингина, ювошгина бошқа одам сайланди.

Ҳикоятхон лавозимга сайланмаганини эмас, бундай муҳитда ишлаб, одамларнинг косаси оқармаслигини ўйлаб, ўзича йўллар изларди. «Ахир қачонгача топганимизни умумий қозонга ташлаймиз, ундан кимдир қошиқлаб, кимдир чўмичлаб олади? Бундан ташқари, ўша пайтлар хўжаликларни бир-бирига қўшиб юбориш урф бўлганди. Ўйлаб кўринг, сизнинг рўзғорингиз билан қўшнининг рўзғорини қўшиб юборса, бундан хурсанд бўласизми? Ҳар ким топганини бамайлихотир ўз эҳтиёжига ишлатиши, кўнгли тўлиб, меҳнатининг роҳатини кўриши учун ўз бойлигига ўзи эгалик қилиши керак-да!» Шу ўйлар Ҳикоятхонга тинчлик бермасди. Ва айни у каби деҳқонларнинг дилидаги орзу-ниятлари амалга ошиши учун юртимизда катта имконият дарвозалари очилди — фермерлик ҳаракати бошланди.

— Фермер хўжалигининг истиқболига ишончим тобора кучайиб борар эди. Аммо, дастлабки беш йил давомида жуда қийналдик.

Эски, пачоқ техника. Бир амаллаб ўғитни ундириб келсанг, уни далага соладиган агрегат йўқ, ерга ишлов берадиган техникалар ҳам бир аҳволда, уларни созлашга эҳтиёт қисмлар етишмайди — булар бир томон-у, «Қани, булар нима каромат кўрсатаркин», деб кузатиб турганлар — бир томон. «Айрилганни бўри ер, хотин боши билан қаёққаям борарди», деганларнинг таъналари бекорчи тилларга эрмак бўлди.

— Ўшанда даладан келиб, уйимнинг эшик-деразаларини маҳкамлаб йиғлаганман ҳам. Ҳатто энг яқинларим ҳам: «Нима қилардинг фермер бўлиб», деб ичимни ёндиришарди. Ҳаммаси ўтиб кетди.

Лекин атрофда чин деҳқонлар, янгиликни англаган, узоқни кўзлаганлар ҳам оз эмас. Ҳикоятхон Ўлмасова ана шундай кишиларнинг маслаҳатини олди. Андижон вилояти уруғчилик бошқармасига бориб, мутахассислар билан фикрлашди. Унга хўжаликни уруғчиликка ихтисослаштиришнинг афзалликларини тушунтиришди. Лекин...

— Уч йил югурдим, мени қўллаб-қувватлашмади. Шундан сўнг вилоят миқёсидаги бир йиғинда сўз олдим-у, бор гапни тўкиб солдим. Шундан сўнггина фермер хўжалигимизни уруғчиликка ихтисослаштириш ҳақида қарор чиқди.

Ҳақиқатан ҳам, кўп ўтмай уруғчиликдан даромад кела бошлади. Аъзоларнинг чўнтагига пул, рўзғорига барака кирди. Хўжалик бирин-кетин ўз корига зарур бўлган техника воситаларини бутлаб олди.

— Инсон хоҳлайдими-йўқми, биринчи навбатда ўз эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилади. Ўзини моддий-маънавий жиҳатдан таъминлай олмаган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини қадрламаган одам бошқаларга қандай қилиб ёрдам қўлини чўзсин? Ҳозир хўжалигимизда 200 нафар аъзоларимиз бор. Бир пайтлар «Фермер хўжалигига ҳам танлов асосида ишга қабул қилинади», деб ўйлардим, худди шундай вақт келди.

Ерни боқсанг — элни боқади

— Фермерликка даъвогарлар орасида шундай кишилар ҳам борки, ўғитни олиб келиб сотиб юборади, соляркани пуллайди. Кейин «Фермерлик бўлмас экан, фойда кўрмадик», деб тескари ташвиқот қилиб юради.

Ундайларга Ҳикоят Ўлмасованинг гапи битта: «Фақат бугунни — оёғингнинг тагини ўйлаб иш тутсанг, ҳеч қачон биринг икки бўлмайди».

— Ҳаммаси оддий ҳисоб-китобдан бошланади. Айтайлик, 200 литр солярканинг пулини бугун ишлатган қаёқда-ю, у билан техникани юргизиб, экинларни агротехник қоидалар асосида парваришлаб, мўл ҳосилдан олинадиган даромад қаёқда? Ўртада ер билан осмонча фарқ бор.

Ҳикоятхон ерга уруғ тушган кундан ҳисоб-китобни бошлайди. Чиқимларни қайд этиш билан бирга, охир-оқибатда бу сарф-харажат қанча даромад олиб келишини ҳам хомчўт қилади. Худо хоҳласа, мана шунча маблағ чўнтакка тушади. Бунинг учун энг аввало тўғри меҳнат қилиб, ерни тўйдириш керак. Аъзоларига бир гапни таъкидлашни яхши кўради:

— Ер бақувват бўлса, касалликка чалинмайди. Сара, мўл ҳосил беради. Ернинг ризқини қирқмаслик керак.

162 гектар ернинг ярмига уруғлик ғалла, шунга яқин майдонларга уруғлик пахта экишади. Ғалла ҳосилдорлиги дастлабки йилларга нисбатан икки баробар ортди — 75-80 центнерга етди. Пахтачиликда ҳам шундай юксалиш. Ва бу далилу рақамларнинг мантиқий давоми сифатида Ҳикоятхон вазминлик билан қўшиб қўяди:

— Бир вақтлар колхозда ишлаб, бир қоп унга зор бўлганмиз. Энди хўжалигимиз аъзолари чўнтагига вақтида маош, рўзғорига тонналаб буғдой, мўл ёғ-мой кирди.

Тўғри, техника воситалари бекаму кўст бўлгач, қўл меҳнатини қисқартириш имкониятлари туғилади. Лекин Ҳикоятхон айрим фермерларга ўхшаб аъзолари сонини қисқартирмади.

— Оёққа туриб олгунимизча мен билан ёнма-ён туриб ҳамма қийинчиликларни бирга енган одамлардан бирортасини ишсиз қолдиришга ҳаққим йўқ. Бизни ер боқаяпти, ризқни бергувчи, — Аллоҳ!

Ҳақингни талаб қилиб ол!

Фермерлик фаолияти Ҳикоятхон учун синов бўлди-ю, аммо уни «пиширди». Эски бошқарув услуби, қоғозбозлик қон-қонига сингиб кетган, жамият бойликларини хомталаш қилишга ўрганганлар ёш фермерларни синдириб ташлашгаям тайёр эдилар. Ҳикоятхоннинг хўжалигиниям йўқ қилиш ниятида «ёз-ёз»лар бўлди, прокуратура текширди, нуқсон топилмади.

— Бекорга вақтингни олиб, асабни эговлайдиган бунақа воқеалар яна қанча давом этаркин, билмадим. Яхшиям, Президентимиз: «Фермерларнинг қанотини қайирманг, ўшанда Ҳикоятхон комбинат бериши керак бўлган пахта ёғини олиб келишга ўғли — хўжалик иқтисодчиси Акмалжонни юборганди. Кечга яқин Акмалжон асабийлашиб, бўмбўш қайтиб келди. Энди у ерга қайта бориш нияти йўқлигини айтди — отангга, бор, онангга бор қабилидаги сансалорликдан жиғибийрон бўлганди. Эртасига Ҳикоятхоннинг ўзи тўғри комбинат раҳбарининг ҳузурига кириб борди. Нима сабабдан бунчалар овора қилаётганликларини тушунтириб беришни талаб қилди. Қонуний ҳужжатларни ўртага ташлади ва улардаги талаблар бузилишига ортиқ йўл қўя олмаслигини айтди. Ўша кундан бошлаб унинг вақтини ҳам, ҳақ-ҳуқуқларини ҳам ҳурматлайдиган бўлдилар.

— Фермерлик бу — мулкка муносабат ўзгариши асосида жамиятга, ҳаётга, замонга ҳам янгича нуқтаи назардан ёндошув демакдир. Ўтган ўн йил давомида хўжалигимизга янги-янги қишлоқ хўжалиги техникалари, хонадонларга ярақлаган енгил автомашиналар кириб келди.

Ҳа, бир вақтлар «Бузоқнинг югургани — сомонхонагача», деб ҳазил-мазах қилиб юрганлар бугун фермер хўжалиги аъзолари қайдаб юрган «Нексия»ларнинг чангида қолиб кетишди.

— Ёшларни тўғри яшашга, вақтиниям, меҳнатиниям режали, самарали мақсадлар учун сарфлашга ўргатишимиз керак. Ер ўз мулкига айланиши натижасида деҳқоннинг онгида, дунёқарашида шундай инқилоб юз бердики, даласининг умри ўз ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Деҳқоннинг рўзғоридаги тўкинликдан то жамиятдаги обрў-эътиборигача меҳнатининг мевасига боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, фермерлик ердан ҳам моддий, ҳам маънавий манфаатдор бўлиб яшашнинг уларнинг орқасида мен турибман», деган гаплари билан барчани ҳушёр торттирдилар. Бу гап бизга тоғдек суянч бўлди. Шунда мен фермерларнинг ҳаётдаги ўрни қанчалар мустаҳкам, ишончли эканлигини ҳис қилдим. Буни ҳамма тан олди.

Ўзининг ҳам, бугун унинг ишларини вақтида битказиб бераётган Фарғона ёғ-мой комбинати айрим ходимларининг ҳам эсидан чиқмайди: манд, серфарзанд оилага соғин сигирларни етаклаб борганларида, маҳалладошлар, қўни-қўшниларгача дуо қилишди. Навбатдаги режа — ёғин-сочинли кунларгача иккита қишлоқнинг бош кўчасига асфальт ётқизиб бериш. Бу ҳайрли ишларнинг барчаси ердан миришкорлик билан мўл ҳосил олиш шарофатидан.

— Лекин ердан фойдаланишда яна ишга солинмаган имкониятлар кўп. Хазинанинг тилини билиб кавласанг, сийлайверади. Бундан ташқари, яна бир катта ниятимиз бор: қишлоғимизга ўзимиз етиштирган пахтани қайта ишлайдиган саноатни олиб кириш. Насиб бўлса, тайёр кийимлар тикиб чиқаришни йўлга қўйиш...

Бу орзулар замирида Ҳикоятхон қишлоққа кўрк бўлиб тушадиган замонавий йигирув, тўқув, тикув дастгоҳлари, машиналари билан жиҳозланган корхоналарни, уларда ишлаётган чаққон, илмли, ҳунарли хотин-қизларни, ёшларни тасаввур этади.

— Қачонгача пахтанинг оғир меҳнатини биз қилиб, роҳатини, мўмай даромадини бошқалар кўради?

Тўғри, Ҳикоятхон Ўлмасованинг бу гапи янгилик эмас. Оддий гурунглардан тортиб, катта минбарлардан ҳам кўп айтилган. Аммо... «Ҳолва» деган билан оғиз чучимайди. Ватанимизда ўзини, эл-юртини қадрлаган, ҳақ-ҳуқуқларини ор-номуси каби эъзозлаган инсонлар ўз меҳнати, интилишлари, бунёдкорлигининг мевалариданн тўла баҳраманд бўлиб яшаши учун қонуний имкониятларни Мустақиллик кафолатлади.

Муҳтарама УЛУҒ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

замонавий усули эканлигини ҳаёт исботлади.

Қува туманидаги Ҳикоятхон Ўлмасова бошлиқ «Қуёшхон» фермер хўжалиги сарҳисоб дафтарига ярим йиллик якунлари бўйича яна юксалиш рақамлари ёзилди. Биргина мисол: йил бошида 100 минг сўмга комбайн олишганди, ғалланинг даромадидан унинг харажати қопланди, кассада ҳам қолди. Пахтазорлар ривожи — баравж.

Ҳикоятхон топганларининг баракасини аввало саховатда деб билади. Ҳамқишлоқларининг тўю маъракаларига қараб турмайди, бамаслаҳат оғирларини енгил қилади. Мактаб, шифохона таъмирига ҳамиша тайёр. Айниқса, спорт залининг томини яхшилаб таъмирлаб, ёпиб берганлари учун мактаб ўқувчиларининг қувончи чексиз. Яқиндагина фермер хўжалиги номидан иккита эҳтиёж-



«НИҲОЛ»НИНГ ЯНГИ СОВРИНДОРЛАРИ

Халқимиз ўзининг бой мусиқа маданияти, бетакрор санъати билан ҳам дунёга довруғ таратган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, маданият ва маънавиятни янада юксалтириш, миллий мусиқа санъатини ривожлантириш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ёш истеъдодларни аниқлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кўплаб кўрик-танловлар ўтказилиб, нуфузли мукофотлар таъсис этилган.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан 2000 йилда истеъдодли ёшларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан кишилар қалбига йўл топа оладиган, эзгуликка чорловчи, ирода ва имон-эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни рағбатлантириш мақсадида "Ниҳол" мукофоти таъсис этилган эди.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида еттинчи бор ўтказилган мазкур танлов аввалги йиллардагидан тубдан фарқ қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 мартдаги қарорига асосан, "Ниҳол" мукофоти тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритилди. Янги Низомга мувофиқ, бу йил "Ниҳол" мукофотига номзодларни саралаш уч босқичда, яъни туман-шаҳар, вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказилди. Бу эса мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида, туман, шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган ноёб истеъдод соҳибларини кашф этиш, саралаш, уларга ўз иқтидорини намойиш этиши, салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг имконият яратди.

Жойларда номзодларни саралаш босқичлари холислик ва ҳаққонийлик билан ўтказилиши санъат оламига катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ёш санъаткорлар ва ҳаваскорлар қалбида ўз истеъдод ва имкониятларига бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Барча босқичларда эстрада, чолғу ижрочилиги, мумтоз қўшиқчилик, бахшичилик ва рақс санъати йўналишлари бўйича уч минг нафарга яқин ёш ижрочи иштирок этгани танлов қамрови, нуфузи ва мавқеи йил сайин ортиб бораётганидан далолатдир.

"Ниҳол" мукофотига номзодларни саралаш бўйича республика комиссияси аъзолари томонидан дастлабки босқичлардан муваффақиятли ўтган, ўз истеъдоди, салоҳияти билан мухлислар эътиборини қозонган, шунингдек, ёшлар ўртасида етакчилик қобилияти, жамоат ишларидаги фаол иштироки билан ажралиб турадиган 15 нафар номзод сараланди.

Пойтахтимиздаги Халқлар Дўстлиги саройида 18 август куни "Ниҳол" мукофотининг 2006 йилги совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган барча шарт-шароитлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди. Мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, Ватанимизнинг ҳар томонлама тараққий этишида санъат аҳлининг, хусусан, ёш санъаткорларнинг ҳам ҳиссаси катта экани қайд этилди.

Бу йилги "Ниҳол" мукофоти эстрада йўналиши бўйича хоразмлик Ҳулкар Абдуллаева, қорақалпоғистонлик Гулназ Утепова, тошкентлик Ёдгорбек Мирзажонов, Сардор Раҳимхон, Диана Зиятдинова, Жасур Мирсагатов, Диёр Маҳкамов, сирдарёлик Абдували Ражабовга, мумтоз қўшиқчилик йўналишида сурхондарёлик Илҳом Норов, фарғоналик Анвар Ашуров, Гулрўх Отақулова, қашқадарёлик Ойбек Мирзаев, бухоролик Жўрабой Ҳафизовга, мусиқа ижрочилиги бўйича сирдарёлик Сардор Зулҳайдаровга, опера ижрочилиги бўйича эса пойтахтлик Маҳфуза Исломовага топширилди.

— Бугун ҳаётимдаги энг муҳим, унутилмас, бахтли кунлардан бири, — дейди "Ниҳол-2006" мукофоти совриндори, хоманда Сардор Раҳимхон. — Айни лаҳзаларда қалбимдаги чексиз ҳаяжонни сўз билан ифода этишим қийин. Бу юксак мукофот биз, ёшларга катта қувонч бахш этибгина қолмай, улкан масъулият ҳам юклайди. Бутун ғайрат-шижоатимизни, истеъдод ва имкониятларимизни халқимиз хизматига бағишлаймиз.

Тадбирда танлов ғолиблари ижросида концерт намойиш қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎзА мухбири.

Фарғона вилояти Учқўприк тумани давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатган қуйидаги хўжалик юритувчи субъектлар Фарғона вилояти хўжалик судининг ҳал қилув қарорларига асосан банкрот деб эътироф этилди ва тугатиш ишлари бошланди:

№	Хўжалик юритувчи субъект номи	Хўжалик суди ҳал қилув қарори санаси	Хўжалик суди ҳал қилув қарори рақами
1.	«Ramello servis» х/ф	14.07.2006 й.	15-06-06/8187
2.	«SSS MAX» х/ф	14.07.2006 й.	15-06-06/8190
3.	«Водий Гупафшаси» х/ф	14.07.2006 й.	15-06-06/8191
4.	«Уз Каун» х/ф	14.07.2006 й.	15-06-06/8192
5.	«Жаҳонгир» х/ф	14.07.2006 й.	15-06-06/8193
6.	«RIV ОМАД» х/ф	3.08.2006 й.	15-06-03/8324
7.	«Фер Академия»	3.08.2006 й.	15-06-03/8323

Ушбу фирмаларга алоқадор шахс ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ҳақдор корхона ва ташкилотлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 (бир) ой муддат ичида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона вилояти, Учқўприк тумани, «Ўқитувчилар» кўчаси, 20-«А» уй. Телефонлар: 52-7-34, 51-9-72. Код 8-(373-51).

WESTMINSTER INTERNATIONAL UNIVERSITY IN TASHKENT (WIUT)
University of Westminster

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ

магистр ўқув дастури бўйича талабаларни ўқишга таклиф этади. Ўқишни муваффақиятли тугатган битирувчилар Вестминстер Университетининг (Буюк Британия) магистрлик илмий даражасига сазовор бўладилар.

Батафсил маълумот олишингиз учун университетда

23 август соат 18.00 да ва 26 август соат 10.00 да **ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ** ўтказилади.

Сизни Тошкент Халқаро Вестминстер университетида кутамиз!

Маълумот учун телефон: +(998 71) 132-27-74.
Манзил: Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 12-уй.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ БИЛАН БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ! УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, ИШЛАРИДА ОМАД ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ.

ОАЖ «ЎЗКАБЕЛЬ» қушма корхонаси

Ўрта Осиё кабель-ўтказгич маҳсулотларининг энг йирик ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100041, Тошкент ш., Ф. Хўжаев кўчаси, 2.
Тел./факс: 162 02 86, 162 39 58, 162 29 02, 162 02 36.

Ишлаб чиқариладиган кабель-ўтказгич маҳсулотларининг ассортименти 2197 тани ташкил этади

www.uzkabel.uz
Товар сертификатланган

ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

плаш, қишки куртка, ёзги куртка, костюм, шим, юбка ва камуфляж форма

кийимларини тикиб етказиб беришга тендер танлови эълон қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 120-76-60, коммутатор: 120-76-00, ички тел.: 26-11, 26-08.

Таклифлар 2006 йил 13 сентябрга қадар қабул қилинади.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси жамоаси компания бошқаруви раисининг ўринбосари Абдурашид Маматович Юлдашевга падари бузруквори **Мамат ота ЮЛДАШЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти давлат педагогика институти жамоаси институт ректори Аброр Ҳазратқуловга акаси **Аҳрор ҲАЗРАТҚУЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Б. Гофуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.20 Топширилди — 22.30 1 2 3